

Ақийда дарслари (30-дарс). Ҳар бир киши ўзи учун халқ қилинган, осонлаштирилган амални ихтиёр этади



13:30 / 22.04.2019 5557

Ва ҳар бир киши ўзи учун осон нарсани қилади ва ўзи учун халқ қилинган нарсага юзланади.

Шарҳ: Ҳар бир киши – мўмин ҳам, кофир ҳам ўзи учун осон бўлган нарсани ҳосил қилиш учун амал қилади. Яъни ўзи учун сабаблари тайёрланган, осон қилинган, муяссар бўлган нарсани қилади. Ҳар бир киши ўзи қилиши учун халқ этилган амални қилишга рағбат қилади.

Далил:

﴿الْعَسْرَىٰ فَسَنِيْرُهُ﴾ ﴿١﴾ بِالْحُسْنَىٰ وَكَذَّبَ ﴿٨﴾ وَاسْتَعْنَىٰ بِحِجْلِ مَنْ وَأَمَّا ﴿٧﴾ لِّلْبُسْرَىٰ فَسَنِيْرُهُ ﴿٦﴾ بِالْحُسْنَىٰ وَصَدَقَ ﴿٥﴾ وَالْقَىٰ أَعْطَىٰ مَنْ فَأَمَّا

1. «Бас, аммо кимки (ато) берса, тақво қилса ва гўзални тасдиқ қилса, Биз уни осонга муяссар қилурмиз. Аммо кимки бахиллик ва истиғно қилса ва гўзални (сўзни) ёлғонга чиқарса, Биз уни қийинга муяссар қилурмиз» (Лайл сураси, 5-10-оятлар).

2. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Амал қилинглари. Ҳар бир киши ўзи учун халқ қилинган нарсага муяссардир», деганлар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

Ёмонлик ҳам, яхшилик ҳам аллоҳнинг тақдири биландир

Яхшилик ва ёмонлик бандаларга тақдир қилингандир.

Шарҳ: Яъни бандаларга динларида ва дунёларида етадиган ҳар бир яхшилик ва ёмонлик уларнинг тақдирларида ёзилган, уларга тайин қилингандир. Бу уларга Аллоҳнинг ҳузуридан келур, уларни четлаб ўтмас. Аллоҳ банданинг фойдасига ҳам, зарарига ҳам тақдир қилмаган нарса уларга етмас.

Далил:

مَوْلَانَا هُوَ لَنَا اللَّهُ كَتَبَ مَا إِلَّا يُصِيبَنَا أَنْ قُلْ

1. «Бизга Аллоҳ ёзиб қўйган нарсадан ўзгаси зинҳор етмайди» (Тавба сураси, 51-оят).

2. «Жаброилнинг ҳадиси»да ўтган «Қадарнинг яхшисию ёмониға иймон келтиришинг» деган маъно.

“Ақоид илми ва унга боғлиқ масалалар” китобидан